

Иш рақами 1-1612-2301/51

Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья – Д.Олимов

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья-Д.Камилов

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2023 йил июнь ойининг 13 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг видеоконференцалоқа тизими орқали ўз биносида бўлиб ўтган очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: судья Ж.Мамуров,

ҳайъат судьялари М.Туланов ва Д.Камиловдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси О.Худайбердиевнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим прокурори Р.Исмаилов, судланган Б.Рўзиев ва ҳимоячиси - адвокат Б.Хакимқулов, судланган И.Артықов ва ҳимоячиси – адвокат А.Маматовнинг иштирокида, Б.Рўзиев ва И.Артықовга оид жиноят иши уларнинг апелляция шикоятига асосан кўриб чиқилиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и :

Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2023 йил 31 мартдаги ҳукмига кўра,

Рўзиев Бекзод Хабибуллаевич, 1982 йил 27 февралда Андижон вилояти, Хўжабод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, саккиз нафар фарзанди бор, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 1998 йил 17 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “б,г” бандлари ва 267-моддаси 2-қисми “б” банди билан 59-моддаси тартибида 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

2. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2002 йил 28 январдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 3-қисми ва 165-моддаси 1-қисми билан 59-моддаси тартибида 6 йил 6 ой 3 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

3. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2002 йил 26 июндаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а,б,в” бандлари билан 59-моддаси 4-қисми тартибида 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2004 йил 9 октябрдаги ажрими билан 74-моддасига асосан ўталмаган 5 йил 3 ой 12 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, 2006 йилда 73-моддасига асосан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

4. Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2016 йил 30 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди ва бошқа моддалари билан 59,60,61-моддалари тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2018 йил 4 июлдаги ажрими билан 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 6 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2020 йил 8 майдаги ажримига кўра, 73-моддасига асосан ўталмай қолган 9 ой 12 кун ахлоқ тузатиш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

5. Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2022 йил 30 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан 59,60,62-моддалари тартибида иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 1 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси 1 йил 11 ой 15 кунни ташкил қилган, ишламайдиган, Ўрта Чирчиқ тумани, “Қорасув” МФЙ, Темирчи кўчаси, 3-уй 15-хонадонда яшаган, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил, 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 8 йил, 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан 10 йил, 59-моддаси тартибида 10 йил 1 ой, 60,61-моддалари тартибида 10 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

Артыков Ислон Ахмаджон ўғли, 1990 йил 17 июлда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламайдиган, Наманган шаҳар, “Дамбоғ” МФЙ, 5-ўтиш йўли, Ўзбекистон 2-берк кўчаси, 12-уйда яшаган, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 57-моддаси қўлланиб 5 йил, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан 57-моддаси қўлланиб 2 йил 6 ой, 59-моддаси тартибида 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Давлат фойдасига:

Б.Рўзиев ва И.Артыковдан солидар тартибда 57.027.400 сўм;

И.Артыковдан 3.421.644 сўм;

Б.Рўзиевдан 458.500.296 сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.Рўзиев хавфли рецидивист бўлгани ҳолда И.Артыков билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, қуйидаги ҳолатларда фирибгарлик ва пора беришга далолат қилиш, шунингдек Б.Рўзиевнинг ўзи хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятларини содир этганликда айбли деб топилганлар.

Жумладан, Б.Рўзиев “Президент давлат хавфсизлик хизмати” PS 0077-рақамли хизмат гувоҳномасини қалбаки усулда тайёрлаб, Мажбурий ижро бюроси органларига ишга тиклаш ниятида юрган Б.Азизовга (ишнинг унга оид қисми ЖПКнинг 84-моддаси, 5-қисми, 2-бандига асосан тугатилган) ўзини “Президент давлат хавфсизлик хизмати” ходими деб таништириб, Бош прокуратурада юқори лавозимларда ишловчи танишлари орқали 500 АҚШ доллари эвазига ишга тиклаб қўйишга ваъда бериб, пора беришга далолат қилиб, И.Артыков орқали 2022 йил 24 августда Давлатобод 6-кичик туманида жойлашган “Ҳумо” ошхонаси биноси олдида ундан 500 АҚШ доллари олиб, 300 АҚШ долларини И.Артыковга бериб, қолган 200 АҚШ долларини ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Шунингдек, Б.Рўзиев - И.Артыков билан бир гуруҳ бўлиб, А.Аминовга (ишнинг унга оид қисми ЖПКнинг 84-моддаси, 5-қисми, 2-бандига асосан тугатилган) ўзини “Президент давлат хавфсизлик хизмати” ходими деб таништириб, уни ишончига кириш учун қалбаки усулда тайёрланган хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, жияни А.Азизовга нисбатан ДХХ Наманган вилоят бошқармаси тергов бўлими томонидан ЖКнинг 244¹-моддаси билан қўзғатилган жиноят иши бўйича қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини хизматда ишловчи юқори лавозимда ишловчи танишлари ёки Олий суд раиси орқали ўзгартириб, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўллатиб беришини айтиб, пора беришга далолат қилиб, 5.000 АҚШ доллари талаб қилиб, 2022 йилнинг август ойида Янги Наманган тумани, “Ахсикент” даҳасида А.Аминовдан 5.000 АҚШ доллари олиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Бундан ташқари, Б.Рўзиев - С.Қурбоновга ўзини “Давлат хавфсизлик хизмати” ходими деб таништириб, уни ишончига кириш учун қалбаки усулда тайёрланган хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, “Вали” исмли танишига нисбатан Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими томонидан олиб борилаётган жиноят ишини тамомлаб, унга нисбатан қўлланилган қамок эҳтиёт чорасини ўзгартириб бериш эвазига С.Қурбоновни пора беришга далолат қилиб, 2022 йил 28 сентябрь куни Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси биноси олдида Ж.Юсупов орқали С.Қурбоновдан 40.000 АҚШ доллари олиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Б.Рўзиев жиний ҳаракатларини давом эттириб, И.Миркамаловга ўзини “Президент давлат хавфсизлик хизмати” ходими деб таништириб, қалбаки усулда тайёрланган хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, таниши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186³-моддаси билан судланиб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган И.Дадабоевга тайинланган жазони Олий суд раиси орқали озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо

чорасига ўзгартириб бериш эвазига И.Миркамаловга 5.000 АҚШ доллари миқдоридан беришга далолат қилган.

Шундан сўнг, И.Миркамаловнинг 2022 йил 2 октябрдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёзган аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбирда Б.Рўзиев Давлатобод тумани, “Тўқувчи” МФЙ, Дўстлик шоҳ кўчасида жойлашган “Олтин жўжа” умумий овқатланиш шоҳобчаси биноси олдида И.Миркамаловдан кимёвий ишлов берилган 5.500 АҚШ долларини олган вақтда ушланган.

Ҳимоячи Б.Рўзиев апелляция шикоятда, айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, саккиз нафар фарзанди борлиги, оиласида ягона боқувчи экани ҳақида важлар келтириб, тайинланган жазони енгиллаштириб беришни сўраган.

И.Артыков апелляция шикоятда, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан асосиз айблангани, 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан кўйилган айблов бўйича зарар етказилмагани ҳақида важлар келтириб, қонуний қарор қабул қилишни сўраган.

Апелляция инстанцияси, судья Д.Камиловнинг маърузасини, Б.Рўзиев ва ҳимоячиси Б.Ҳакимкулов, И.Артыков ва ҳимоячиси А.Маматовнинг ўзлари томонидан келтирилган шикоятларни қаноатлантириш, прокурор Р.Исмаиловнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятларда келтирилган важларни жиноят иши материаллари асосида таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Б.Рўзиев ва И.Артыковнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликлари Б.Рўзиевнинг айбига тўла, И.Артыковнинг қисман иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари:

И.Миркамалов, Б.Азизов, А.Аминовнинг аризалари, уларнинг ва гувоҳлар С.Қурбонов, Ж.Юсупов, И.Абдуғаффоровнинг дастлабки тергов, биринчи ва апелляция инстанциялари суд мажлисларидаги кўрсатувлари;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Наманган вилоят бошқармаси бошлиғининг тезкор тадбир ўтказишга рухсат бериш ҳақидаги 2022 йил 1 октябрдаги 336-сонли буйруғи;

пулларга кимёвий ишлов бериш ва ушбу пул маблағларини ҳамда овоз ёзиш мосламасини И.Миркамаловга тақдим этиш, тезкор тадбир ўтказиш, овоз ёзиш мосламаларини қайтариб олиш, шахсий тинтув ўтказиш ва олиб кўйиш, воқеа жойини ва автомобилни кўздан кечириш, сўзлашувларни эшитиб кўриш учун олиш, И.Артыков билан Б.Азизов, А.Аминов, Б.Рўзиев, Ж.Юсупов ўртасида, Б.Рўзиев билан И.Артыков, Б.Азизов, С.Қурбонов, Ж.Юсупов ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомалари;

И.Миркамалов ва Б.Рўзиев ўрталаридаги сўзлашувлар стендограммаси, нарс ва ҳужжатларни ашёвий далил деб эътироф этиб, жиноят ишига кўшиш ҳақида қарор ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан исботланган.

Биринчи инстанция суди:

Б.Рўзиевнинг хавфли рецидивист бўлгани ҳолда расмий ҳужжатни қалбакилаштирганликдан иборат ҳаракатини ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан, ўзганинг жуда кўп миқдордаги пул маблағларини такроран, хавфли рецидивист бўлиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликдан иборат ҳаракатларини 168-моддаси 4-қисми “а” банди, жуда кўп миқдорда пора беришга далолат қилганликдан иборат ҳаракатларини 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан;

И.Артыковнинг ўзганинг пул маблағларини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликдан иборат ҳаракатларини 168-моддаси 3-қисми “б” банди, такроран пора беришга далолат қилганликдан иборат ҳаракатларини 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг:

7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилona бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида;

37-бандида, ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони

енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Биринчи инстанция суди, қайд этилган Қонун талаби ва Пленум қарорлари тушунтиришларга амал қилиб:

Б.Рўзиевнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазосини енгиллаштирувчи, муқаддам қасддан содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўташ даврида қасддан янги жиноят содир этганини жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, содир этган жиноятларини ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, унга нисбатан ўзи айбли деб топилган моддалар санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб;

И.Артыковнинг муқаддам судланмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги каби жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни у томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, ЖКнинг 57-моддасини кўллаб, унга нисбатан ўзи айбли деб топилган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ қисмини тайинлаб, жиноятларни мансаб ваколати билан боғлиқ ҳолда содир этмаганини инобатга олиб, унга нисбатан 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинламай, асосли хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанция суди Б.Рўзиев ва И.Артыковга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ўзгаришсиз, уларнинг апелляция шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Бинобарин, апелляция инстанцияси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶, 497³¹- моддаларига амал қилиб,

а ж р и м қ и л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2023 йил 31 мартдаги Рўзиев Бекзод Хабибуллаевич ва Артыков Ислон Ахмаджон ўғлига нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз, уларнинг апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

имзо

Ж.Мамуров

Ҳайъат судьялари:

имзо

М.Туланов

имзо

Д.Камилов

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Ҳайъат судьяси:

Д.Камилов